



ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАРДА ЖАВОБГАРЛИКДАН ОЗОД ҚИЛИШ АМАЛИЁТИ ВА ЯРАШУВ ИНСТИТУТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Қаюмов Зоир Эргашевич
ТДЮУ мустақил тадқиқотчиси

Аннотация: Мақолада хорижий давлатларда юридик жавобгарликдан озод қилиш ва ярашув институтининг ўзига хос хусусиятлари таҳлил этилган. Жаҳон ҳуқуқий тизимлари (континентал ва англосаксон ҳуқуқ оилалари) мисолида жиноят қонунчилигини либераллаштириш жараёнлари, жавобгарликдан озод қилишнинг турли шакллари ва уларнинг амалий аҳамияти кўрсатиб берилган. Хусусан, Германия, Франция, Италия ва АҚШ тажрибасида жабрланувчи билан ярашиш орқали жиноий таъқибни тўхтатиш, пробаця ва шартли ҳукм институтлари кенг ёритилган. Шу билан бирга, медиаця механизми, тикловчи адолат концепцияси ва уларнинг ижтимоий-ҳуқуқий натижалари таҳлил қилинган. Мақолада ҳуқуқий тизимларни либераллаштириш, жазони индивидуализация қилиш ва жиноят ҳуқуқида инсонпарварлик тамойилларини мустаҳкамлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган.

КИРИШ

Жиноят ҳуқуқида жавобгарликдан озод қилиш ва ярашув институти замонавий ҳуқуқий ислохотлар марказида турибди. Бу институтлар жиноят-ҳуқуқий репрессияни камайтириш, ижтимоий адолатни тиклаш ва жиноятчиликка қарши гуманистик ёндашувни ривожлантиришга қаратилган. 2024–2025 йилларда хорижий давлатларда мазкур институтлар ресторатив адолат (restorative justice) тизимлари билан чамбарчас боғланмоқда.

Жаҳон амалиётида юридик жавобгарлик тизими ҳуқуқий тизимнинг турига қараб сезиларли даражада фарқ қилади. Континентал ҳуқуқ тизимига мансуб давлатларда жабрланувчи билан яраштириш механизми орқали жиноят жавобгарлигидан озод қилиш кенг қўлланилади. Масалан, Германияда Жиноят-процессуал кодексига асосан асосий суд жараёнини очишга ваколатли суд ва айбланувчининг розилиги билан, прокуратура жиноят ишини юритишдан вақтинча воз кечиши ва айбланувчига айрим шартлар ҳамда кўрсатмалар белгилаши мумкин. Хусусан жабрланувчига етказилган зарарни қоплаш мақсадида белгиланган тўловни амалга ошириш, жамоат ташкилоти ёки давлат хазинаси фойдасига муайян миқдорда пул маблағи тўлаш, жамоат манфаати йўлида бошқа хизматларни бажариш, жабрланувчи билан келишувга эришишга жиддий уриниш (жиноятчи-жабрланувчи келишуви) ҳамда етказилган зарарни тўлиқ ёки асосан қоплаш ёки унинг қопланишини таъминлаш, ижтимоий тренинг курсларида иштирок этиш. Прокуратура ушбу шарт ва кўрсатмаларни кейинчалик бекор қилиши ёки уларни бир марта уч ойгача узайтириши мумкин.



Агар айбланувчи уларни тўлиқ бажарса, унга нисбатан жиноий таъқиб амалга оширилмайди. Агар шартлар бажарилмаса, айбланувчи томонидан қилинган тўловлар қайтарилмайди.¹ Францияда ҳам шунга ўхшаш нормалар мавжуд бўлиб, жиноят ишини жабрланувчи ва айбланувчининг келишуви асосида тугатиш мумкин.² Англосаксон ҳуқуқ тизимида мансуб давлатларда жабрланувчи билан яраштириш орқали жиноят жавобгарлигидан озод қилиш камроқ қўлланилади, бироқ айбланувчи маълум шартларни бажарса, суд таъқибидан қутулиши мумкин. Масалан, АҚШда шартли жиноий таъқибни кечиктириш институти мавжуд бўлиб, унга кўра, прокуратура маълум мажбуриятларни бажариш шarti билан жиноят ишини тўхтатиб туради. Бу шартлар жабрланувчига етказилган зарарни қоплаш ёки қайта тарбиялаш дастурларида иштирок этишни ўз ичига олади.³

2025 йил февраль ойи ҳолатига кўра, БМТ таркибига 193 мамлакат киради, яна икки мамлакат — кузатувчи статусига эга.⁴ Экспертларнинг фикрига кўра, дунёда тахминан 200 та миллий ҳуқуқий тизим мавжуд.⁵ «Ҳуқуқий тизим» атамасининг турли таърифларини таҳлил қилиш икки ёндашувни ажратиб кўрсатишга имкон беради, яъни тор ва кенг. Тор ёндашув доирасида ҳуқуқий тизим деярли объектив ҳуқуқ билан тенглаштирилади.⁶ Тор ёндашувда ҳуқуқий тизим жамият муносабатларини тартибга солувчи ҳуқуқий нормалар йиғиндиси сифатида қаралади ва объектив ҳуқуқ тушунчаси билан чамбарчас боғлиқ бўлади. Бу контекстда эътибор расмий нормаларга қаратилган бўлиб, улар қонунчилик актларида ифодаланади, шу билан бирга, бошқа элементлар, масалан, суд амалиёти ёки ижтимоий ва сиёсий омиллар, ҳуқуққа таъсир кўрсатиши назарга олинмайди. Бундай ёндашув ҳуқуқий қоидаларга тартибга солиш объекти ва уларнинг жамиятда қўлланилишига эътибор қаратади.

Н.Матузов ҳуқуқий тизимни жамиятдаги барча ҳуқуқий ҳодисаларни ўз ичига олган, мураккаб ва кўпқиррали тушунча сифатида кўради ва унинг элементларига давлат томонидан яратилган ва ҳимоя қилинган нормалардан иборат ҳуқуқ, қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, давлатнинг ҳуқуқий сиёсати, суд ва бошқа юридик амалиётларни амалга оширадиган ҳуқуқий муассасалар, ҳуқуқий тартибга солиш механизми, ҳуқуқни татбиқ этиш жараёни, субъектив ҳуқуқлар, ҳуқуқий муносабатлар, қонун устуворлиги ва ҳуқуқий тартибот, ҳуқуқий идеология, ҳуқуқ субъектлари ва бошқа ҳуқуқий ҳодисалар киришина таъкидлайди.⁷

¹ Strafprozeßordnung (StPO). § 153a Absehen von der Verfolgung unter Auflagen und Weisungen. https://www.gesetze-im-internet.de/stpo/_153a.html

² Code de procédure pénale. Dernière mise à jour des données de ce code: 01 février 2025.

https://www.legifrance.gouv.fr/codes/texte_lc/LEGITEXT000006071154/.

³ L.Brandon. Declining corporate prosecutions. [https://www.law.georgetown.edu/american-criminal-law-review/wp-content/uploads/sites/15/2020/03/57-1-declining-corporate-prosecutions.pdf?utm_source=L.Brandon.The Public Interest in Corporate Settlements. 2017. Duke Law School.](https://www.law.georgetown.edu/american-criminal-law-review/wp-content/uploads/sites/15/2020/03/57-1-declining-corporate-prosecutions.pdf?utm_source=L.Brandon.The%20Public%20Interest%20in%20Corporate%20Settlements.2017.Duke%20Law%20School.https://scholarship.law.duke.edu/faculty_scholarship/3839/)

https://scholarship.law.duke.edu/faculty_scholarship/3839/.

⁴ Члены Организации Объединенных Наций. <https://www.un.org/ru/about-us/member-states>.

⁵ M.Brodowicz. The Evolution and Comparison of Different Legal Systems Around the World. April 27, 2024. <https://aithor.com/essay-examples/the-evolution-and-comparison-of-different-legal-systems-around-the-world>

⁶ Маркова-Муршова С.А., Котковец С.П. Правовая культура России в условиях глобализации: монография. Краснодар, 2013. С. 10.

⁷ Матузов Н.И. Правовая система и личность. Саратов, 1987. С. 26



XXI асрнинг бошига келиб, ҳуқуқий тизимларнинг кўплаб таснифлари ишлаб чиқилди. Улардан биринчиси француз тадқиқотчиси А.Эсмайн томонидан таклиф қилиниб, уни беш гуруҳга ажратган - роман, герман, англосаксон, славян ва ислом ҳуқуқий оилалари.⁸ Ушбу таснифнинг асосий мезонлари сифатида ҳуқуқий тизимларнинг тарихий ривожланиши, умумий тузилиши ва ҳар бирига хос ўзига хос хусусиятлари олинган.

Ҳуқуқ тизимини либераллаштириш жамият муносабатларини тартибга солишнинг инсонпарвар ва адолатли моделини яратишга қаратилган мураккаб ва кўп қиррали жараён ҳисобланади. Либераллаштиришнинг асосий йўналишларидан бири жиноят қонунчилигини ислоҳ қилиш бўлиб, бу жиноят деб топилган қилмишлар рўйхатини қайта кўриб чиқиш, озодликдан маҳрум этиш жазосини камайтириш ва альтернатив жазо турларини кенгайтиришни назарда тутди. Иккинчи муҳим йўналиш — фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш бўлиб, бу фуқаролик муомаласида иштирок этувчилар эркинлигини ошириш, ортиқча меъёрий тартибга солишни камайтириш ва ҳуқуқий тартиботни соддалаштиришни ўз ичига олади. Бу контекстда рақамлаштириш жараёнларини ривожлантириш, янги ҳуқуқий институтларни жорий этиш ва муаммоларни альтернатив йўллар орқали ҳал қилиш механизмларини такомиллаштириш алоҳида аҳамият касб этади. Либераллаштиришнинг учинчи йўналиши маъмурий ҳуқуқни трансформация қилиш билан боғлиқ. Ҳуқуқий давлатни шакллантириш шароитида маъмурий тартиб-таомилларни соддалаштириш, ошкоралик тамойилларини кучайтириш ва давлат органлари қарорларини шикоят қилиш механизмларини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилади. Бу соҳадаги либераллаштириш жараёнлари фуқаролар ва тадбиркорлик субъектлари учун маъмурий юкламани камайтиришга қаратилган бўлиб, инвестиция муҳитини яхшилаш ва давлат институтларига бўлган ишончни оширишга ёрдам беради.

Юридик жавобгарликни либераллаштириш ва ундан озод қилиш ҳозирги даврда ҳуқуқий тизимларнинг энг муҳим ислоҳот йўналишларидан бири ҳисобланади. Бу жараён жазо чораларини енгиллаштириш, ҳуқуқий кафолатларни кучайтириш ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига мослаштиришга қаратилган. Охириги йилларда бир қатор давлатлар мазкур соҳада муҳим ислоҳотлар амалга оширди. Жумладан Қозоғистонда Ҳуқуқий сиёсат концепциясини амалга ошириш ва жиноят қонунчилигини ислоҳ қилиш доирасида жазо чораларининг репрессивлик даражасини пасайтиришга қаратилган чоралар кўрилди. Ислоҳотлар доирасида озодликдан маҳрум қилиш ўрнига пробация назоратини кенг қўллаш амалиёти жорий этилди. Шунингдек, шартли ҳукм ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан ҳамкорлик қилган жиноятчиларни

⁸ Esmein A. Le droit comparé et l'enseignement du droit // Congrès international de droit comparé. Procès-verbaux des seances et documents I. Paris, 1905. S. 451.



жавобгарликдан озод қилиш механизмлари такомиллаштирилди.⁹ Германия зўравонлик билан боғлиқ бўлмаган жиноятлар учун озодликдан маҳрум қилиш жазоси чекланган, унинг ўрнига жарималар ва ижтимоий ишлар қўллаш амалиёти кенгайтирилган.¹⁰ Бундай ёндашув жиноятчиларнинг қайта жиноят содир этиш эҳтимолини камайтиришга хизмат қилади. АҚШда интернет платформаларнинг фойдаланувчи контентини модерация қилиш бўйича жавобгарлигини камайтиришга қаратилган қонунчилик ўзгаришлари муҳокама қилинмоқда. Бундан мақсад – сўз эркинлигини ҳимоя қилиш ва ёлғон маълумотларнинг тарқалишига қарши курашиш ўртасида мувозанатни таъминлашдир.¹¹

Бугунги кунда хориж мамлакатларида жиноят-ҳуқуқий сиёсатнинг асосий йўналишларидан бири жазони индивидуализация қилиш ва муқобил чораларни қўллаш орқали жамиятга фойдали натижаларга эришишга қаратилган. Хусусан, ярашиш институти бу йўналишда муҳим восита сифатида намоён бўлиб, жиноят содир этган шахсни ижтимоийлаштириш ва жабрланган томоннинг манфаатларини қондиришга хизмат қилади. Тадқиқотчилар ярашув институти инсон ҳуқуқлари билан уйғунлашган ҳамда жиноий адолат тизимини инсонпарварлаштиришга хизмат қилувчи механизм сифатида баҳолайди.

Масалан, Германия ва Франция қонунчилигида ярашиш механизми кенг тарзда қўлланилиб, жиноий ишларни алтернатив усулларда ҳал қилиш имконияти тақдим этилган. Германиянинг Жиноят кодексида жабрланувчи ва айбдор ўртасида ярашувни ўзига хос процессуал шакл сифатида кўрсатувчи махсус нормалар мавжуд. Францияда эса жамоат ишларида иштирок этиш ёки зарарни қоплаш каби мажбуриятлар орқали жиноий жавобгарликдан озод қилиш мумкин.¹² Бундай ёндашув нафақат жабрланган томоннинг манфаатларини тиклаш, балки айбдор шахснинг қайта жиноят содир этиш эҳтимолини камайтиришга ҳам қаратилган.

Италиядаги медиация институти ҳам аҳамиятли тажрибалардан бири ҳисобланади. Италияда жиноят-ҳуқуқий жараёндаги медиация механизмлари ёрдамида жиноий ишларни судгача ёки суд жараёнида ҳал қилиш амалиёти кенг қўлланилади. Бу нафақат процесснинг тезлашишига, балки томонлар ўртасидаги можаронинг юмшашига олиб келади. АҚШ қонунчилигида эса ярашув жараёни кўпинча кичик жиноятларда, айниқса ёшлар ўртасида содир этиладиган ҳуқуқбузарликларда қўлланилади. Бу борада “Restorative Justice” (Тикловчи адолат) концепцияси асосида жабрланувчи ва айбдор ўртасида мулоқот ўрнатилиши, зарарни қоплаш механизмларининг жорий этилиши кенг

⁹ Об утверждении Концепции правовой политики Республики Казахстан до 2030 года. Указ Президента Республики Казахстан от 15 октября 2021 года № 674. <https://adilet.zan.kz/rus/docs/U2100000674>

¹⁰ Rede des Kanzlers bei der 61. Münchner Sicherheitskonferenz. „Dies muss die Stunde Europas sein“. <https://www.bundesregierung.de/breg-de>

¹¹ <https://www.congress.gov/>

¹² П.В. Головинков. Уголовное уложение Федеративной республики Германия – Strafgesetzbuch (StGB). Deutschen Nationalbibliografie; detaillierte bibliografische Daten sind im Internet über. <http://dnb.dnb.de> abrufbar. Universitätsverlag Potsdam 2021. French Penal Code. NCJ Number 130446. Editor(s) G.Mueller. Date Published 1960. Length 176 pages. <https://www.ojp.gov/ncjrs/virtual-library/abstracts/french-penal-code>



ўрганилган.¹³ Ғарб олимлари ушбу институтнинг самарадорлигини ҳуқуқий ва ижтимоий жиҳатдан кенг тадқиқ этмоқда. Масалан, Т.Маршалл ва Г.Зер ярашув институтини ижтимоий адолатни таъминлаш, зўравонликни камайтириш ва жамиятдаги ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш механизми сифатида талқин қилади.¹⁴ Улар ярашув жараёнида жабрланувчи ва айбдор ўртасидаги алоқани тиклашга алоҳида эътибор қаратиш зарурлигини таъкидлайдилар.

Германия Жиноят кодексининг 56-моддасига кўра, агар маҳкум Жиноят кодексининг тегишли моддасида назарда тутилган ҳолда бир йилдан ортиқ бўлмаган озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилинса, суд уни огоҳлантириши ва жазони тайинламасдан шартли синов белгилаб, унинг ижросини тўхтатиб туриши мумкин. Бунда суд маҳкумнинг содир этган жиноятлар сони, шахсий хусусиятлари, ўтмишдаги ҳаёти, жиноят содир этилган ҳолатлар, кейинги хатти-ҳаракатлари, яшаш шароити ҳамда жазони тўхтатиб туриш орқали кутилаётган таъсирларни эътиборга олади. Шу асосда шартли синов белгилаш ва жазонинг ижросини тўхтатиш имконияти кўриб чиқилади. Германия Жиноят кодексида жазодан озод қилиш муддатлари оғир жазолардан енгилларига қараб қисқариб бориши назарда тутилган. Шу билан бирга, бизнинг Жиноят кодексимизда бу ҳолат аксинча, енгил жазолардан оғирларига қараб узайиб бориш белгиланган. Германия Жиноят кодексининг 79-моддасида бошқа жазо турлари бўйича ҳам жазодан озод қилиш муддатлари назарда тутилган. Бироқ, Германия қонунчилигида жазодан озод қилиш муддатлари анча узун эканлиги қайд этилган бўлиб, бу маҳкумлар учун қўшимча мураккабликлар яратиши мумкин. Шунингдек, уларнинг қонунчилигида жазога тортиш муддатлари ўтган тақдирда жарималар ва бошқа жазо чораларига нисбатан ҳам аниқ муддатларни белгилаш амалиёти диққатга сазовордир. Қонунга кўра, агар судланувчи қонуний жараёнлардан қочиш ёки яшириниш ҳолатида бўлса, суд органларининг илтимоси асосида жазо муддатлари тугашидан олдин белгиланган муддатнинг ярмигача узайтирилиши мумкин. Бизда эса бу муддат икки баробаргача ошиши кўрсатилган. Ушбу тажриба асосида суд-ҳуқуқ амалиётини такомиллаштириш ва қонунчиликни ривожлантириш мақсадга мувофиқдир.¹⁵

Кўплаб хорижий давлатларнинг қонунчилигида ярашув асосида жавобгарликдан озод қилиш институти мавжуд. Айрим давлатларда бу институт бевосита "ярашув" деб аталса, бошқаларида эса медиация, келишув битими тузиш, аризани қайтариб олиш каби турли атамалар орқали қонунчиликка киритилган. Ушбу институтнинг моҳияти эса айбдор шахснинг

¹³ Restorative Justice Principles.

<https://law.wisc.edu/fjr/rjp/justice.html#:~:text=Restorative%20Justice%20Principles&text=Restoration%20means%20repairing%20the%20harm,%2C%20community%2C%20and%20the%20offender.> Restorative Justice On-Line. NCJ Number 242196. Date Published January 1998. Restorative Justice in the United States: Principles and Practices. Washington, DC: Office of Justice Programs, 2007.

¹⁴ Marshall, T. F. Restorative Justice: An Overview. London: Home Office Research Development and Statistics Directorate, 1999.

http://www.antoniocasella.eu/restorative/Marshall_1999-b.pdf. Zehr, H. The Little Book of Restorative Justice. Good Books, 2002.

<https://www.saferspaces.org.za/uploads/files/littlebookrjpakaf.pdf>.

¹⁵ А.Отажонов. Жазодан озод қилиш институтини такомиллаштириш бўйича Германия тажрибаси. 15 июн 2023. <https://yuz.uz/news/jazodan-ozod-qilish-institutini-takomillashtirish-boyicha-germaniya-tajribasi?view=kamtarligi-ham-olimligi-ham-ibrat-inson-yoxud-aspirantga-joy-bergan-professor>.



жабрланувчи билан ярашиши натижасида жиноий таъқибни тўхтатишни назарда тутди.¹⁶ Бундай турли хил атамаларга қарамай, уларнинг моҳияти умумий бўлиб, жиноий жараёни инсонпарварлик тамойилига асосланиб, айбдор шахс ва жабрланувчининг ярашуви орқали ҳал қилишни назарда тутди. Ярашув институтининг асосий ҳуқуқий мазмуни айбдор шахснинг жабрланувчи билан ярашиши натижасида жиноий таъқибни тўхтатиш имкониятини беради. Ушбу жараёнда жабрланувчининг розилиги асосий аҳамиятга эга бўлиб, унинг манфаатлари биринчи ўринга қўйилади. Жабрланувчининг ҳуқуқлари бузилмаслиги учун, кўплаб давлатларда ярашув жараёни ҳуқуқий назорат остида ўтказилади ва бу жараёнда малакали ҳуқуқшунослар ёки медиация ташкилотлари иштирок этади. Бундай институтнинг муҳим жиҳатларидан бири бу унинг жиноят ҳуқуқида ижтимоий адолатни тиклашга қаратилганлиги ҳисобланади. Айбдор шахс ва жабрланувчининг ярашуви натижасида нафақат жабрланувчининг манфаатлари тикланади, балки айбдор шахснинг жиноят содир этгани учун афсус-надомат қилиш ва келгусида бундай ҳаракатлардан тийилиш имконияти пайдо бўлади. Бу жараён жамиятдаги низоларни тинч йўл билан ҳал қилиш маданиятини оширишга ҳам хизмат қилади.

Қатор хорижий давлатларда бу механизм «ярашув» деб аталса, Германия ва Руминияда уни «келишув» деб аташади, АҚШ ва Англияда эса «тарафлар ўртасида судгача келишувлар» сифатида маълум. Маълумотларга кўра, АҚШда жиноий ишларнинг 90%дан ортиғи айнан шу ёндашув асосида, суд муҳокамасисиз ҳал этилади.¹⁷ Ушбу статистика АҚШ жиноят ҳуқуқи тизимида судгача келишувлар самарадорлиги юқори эканлигини кўрсатади. Уларни қўллаш нафақат судларга тушадиган юкни сезиларли даражада камайтиришга, балки ишлар кўриб чиқилишини тезлаштиришга ҳам хизмат қилади, натижада жабрланувчиларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари тезроқ тикланади. Судгача келишувлар айбдор ва давлат ўртасида мурося қилишга қаратилган бир қатор чора-тадбирларни ўз ичига олиб, бу жараёнда айбдор ўз айбини тан олиши эвазига жазони енгиллаштириш назарда тутилади. Бу институтнинг механизми процессуал иқтисодийлик ва адолат принципларига асосланган бўлиб, асосий эътибор жабрланувчининг манфаатларини қондириш ва айбдорнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган. Бунда судгача келишув жараёни суд органлари томонидан қатъий назорат қилингани учун унинг қонунийлиги таъминланади ва суиистеъмолликларнинг олди олинади. Шунингдек, судгача келишувлар нафақат АҚШда, балки бошқа бир қатор мамлакатларда ҳам кенг қўлланилиши унинг универсаллиги ва турли ҳуқуқий тизимларга мослашувчан эканлигини кўрсатади. Масалан, Англия ва Уэльсда бу амалиёт "plea bargaining" (Айбни тан олиш бўйича келишув» ёки «Судгача келишув») деб номланиб, асосан иқтисодий жиноятлар билан боғлиқ ишлар кўриб чиқилишида фаол

¹⁶ Yangiev G., Pulatov A. Institute of reconciliation is an important sign of the democratization of criminal legislation. Journal of Law Research. 2023, 8 vol., issue 6, pp. 87-99.

¹⁷ Досудебное соглашение о сотрудничестве - зарубежный опыт. 05.03.2019.
https://protocol.ua/ua/dosudebnoe_soglashenie_o_sotrudnichestve_zarubegniy_opit/.



қўлланилади. Германияда эса "Absprachen im Strafverfahren" механизми қўлланилади, бу жараён суд муҳокамаси босқичида тарафлар ўртасида келишув тузишни назарда тутди.¹⁸

Ярашув институтининг қонунчилигида қўлланилиши турли давлатларда амалдаги қонунлар, менталитет ва урф-одатларга кўра фарқ қилади. В.Остянина ярашув институтини учта ёндашувга ажратган.¹⁹ Биринчи гуруҳга кирувчи давлатларда ярашув жиноий жавобгарлик ва жазодан озод қилиш учун асос бўлади. Иккинчи гуруҳ давлатларида ярашув енгиллаштирувчи ҳолат сифатида қўлланилади. Учинчи гуруҳда эса ярашув жиноий жавобгарлик ва жазодан озод қилиш асоси сифатида қонун ҳужжатларида мустаҳкамланган. Биринчи гуруҳга кирувчи давлатларда ярашув институти қонун ҳужжатлари орқали жиноий жавобгарлик ва жазодан озод қилишнинг тўлиқ асоси сифатида тан олинади. Бундай ёндашувнинг ҳуқуқий асоси жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини камайтириш ҳамда жабрланувчи манфаатларини тўлиқ қондиришга йўналтирилган. Масалан, бундай модел Европа давлатларининг айримларида кенг тарқалган бўлиб, уларда ярашув жабрланувчига етказилган зарарни қоплаш шартлари билан чекланади. Иккинчи гуруҳ давлатларида эса ярашув институти енгиллаштирувчи ҳолат сифатида кўрилади. Бу давлатларда жиноят ҳуқуқи жабрланувчи манфаатлари билан бир қаторда жамият манфаатларини ҳам ҳисобга олади. Айрим ҳолларда ярашув қонунчиликда асосий ҳолат сифатида тан олинмаса ҳам, унинг мавжудлиги суд ҳукмини енгилроқ чиқариш учун қўшимча омил бўлиб хизмат қилади. Учинчи гуруҳдаги давлатларда ярашув институти қонун ҳужжатларида махсус тартибда жиноий жавобгарлик ва жазодан озод қилиш учун асос сифатида қайд этилган. Бунда жабрланувчи билан келишувга эришиш қонун ҳимояси остида бўлиб, бу жараён ҳуқуқий тартиб-таомиллар орқали амалга оширилади.

Биринчи гуруҳга Россия, Озарбайжон, Украина, Беларусь ва Туркменистон каби давлатларни киритиш мумкин, чунки уларнинг жиноят қонунчилигида ярашув институти фақат биринчи марта жиноят содир этган шахсларга нисбатан қўлланилади. Шу билан бирга, Қозоғистон, Қирғизистон, Арманистон, Латвия, Литва, Эстония ва Молдова қонунчилигида ярашув институтининг қўлланилиши учун мазкур мезон чеклов бўлиб ҳисобланмайди. Бу ҳолат постсовет давлатлари қонунчилик тизимлари ўртасидаги мавжуд фарқларни кўрсатиб беради.

Кўплаб давлатларда ярашув институти жиноятларнинг аниқ рўйхатини бермасдан, уларни оғирлик даражасига кўра тоифаларга ажратади. Масалан, Россия ва Тожикистон Жиноят кодексларига кўра ярашув унча оғир бўлмаган ва

¹⁸ Plea Negotiations. Pragmatic Justice in an Imperfect World. Book. 2018. <https://link.springer.com/book/10.1007/978-3-319-92630-8>. Plea Bargaining. <https://www.justice.gov/usao/justice-101/pleabargaining>. Mündliche Verhandlung in Sachen „Absprachen im Strafprozess. ressemitteilung, Nr. 71/2012, Datum: vom 4. Oktober 2012. <https://www.bundesverfassungsgericht.de/SharedDocs/Pressemitteilungen/DE/2012/bvg12-071.html#:~:text=Den%20Kern%20des%20gesetzlichen%20Regelungskonzepts,die%20Zulassung%20solcher%20Absprachen%20begrenzt.>

¹⁹ Остянина В.В. Освобождение от уголовной ответственности в связи с примирением с потерпевшим: Учебное пособие / Кемеровский госуниверситет. - Кемерово: Кузбассвузиздат, 2004. - С. 131. (Ostanina V.V. Exemption from criminal liability in connection with reconciliation with the victim: Textbook / Kemerovo State University. -Kemerovo: Kuzbassvuzizdat, 2004. - P. 131.



ўртача оғирликдаги жиноятларга, жумладан, жазоси 5 йилдан ошмайдиган қасддан содир этилган ҳамда эҳтиётсизлик оқибатида содир этилган барча жиноятларга татбиқ этилади. Қозоғистонда эса ярашув жиноий қилмишлар ва шу каби оғирлик даражасига эга жиноятларга, агар улар одам ўлимига олиб келмаган бўлса, қўлланилади. Шу билан бирга, ҳар бир давлат ўз қонунчилигидаги ҳуқуқий тамойиллар ва жиноят-ҳуқуқ сиёсатига асосланган ҳолда, ярашув институтини қўллашнинг ўзига хос шартларини белгилаган. Масалан, баъзи мамлакатларда ярашувга фақат жабрланувчининг розилиги асосида йўл қўйилса, бошқаларида зарарнинг қопланиши ёки келишув шартларига мувофиқлик каби мезонлар асос қилиб олинади. Бундан ташқари, ярашув институтининг қўлланилиши суд органларига жиноят ва жамоат хавфсизлиги даражасини, жиноят содир этувчининг шахсий хусусиятларини ва ижтимоий аҳамиятини ҳисобга олган ҳолда адолатли қарор қабул қилиш имконини беради.

Қатор давлатлар қонунчилигида ярашув институтини қўллашга йўл қўймайдиган ҳолатлар белгиланган. Масалан, Қозоғистонда ярашув вояга етмаганларга нисбатан жинсий дахлсизликка қарши жиноятлар (фақат 14-18 ёшдаги шахсларга нисбатан вояга етмаганлар содир этган ҳолатлар бундан мустасно),²⁰ эҳтиётсизлик оқибатида содир этилиб, бир ёки бир нечта шахсларнинг ўлимига сабаб бўлган жиноятлар, коррупцион, террорчилик ва экстремистик жиноятлар, шунингдек, уюшган гуруҳ таркибида содир этилган жиноятлар учун қўлланилмайди.

Барча давлатларда ярашувнинг мажбурий шarti жабрланувчининг розилиги ҳисобланади. Кўпчилик мамлакатлар қонунчилиги ярашувни қўллаш учун зарарнинг ярашувгача тўлиқ қопланишини талаб қилади. Аммо Болтиқбўйи мамлакатларида зарар ярашувдан сўнг қопланиши мумкин. Болтиқбўйи мамлакатлари (Латвия, Литва ва Эстония) қонунчилигида ярашув институтининг қўлланилиши бўйича ўзига хос ёндашувлар мавжуд. Ушбу давлатларда ярашувни қўллаш учун етказилган зарарни ярашувгача тўлиқ қоплаш мажбурияти мавжуд эмас. Бу эса Болтиқбўйи мамлакатларини кўпчилик Европа давлатлари қонунчилигидан ажратиб туради, чунки аксарият мамлакатларда зарарни тўлиқ қоплаш ярашувнинг зарурий шarti сифатида белгиланган. Латвия Республикасининг Жиноят кодексига кўра, ярашув қонун чиқарувчи органлар томонидан ҳуқуқий сиёсатнинг инсонпарварлик тамойилларига мос равишда жорий этилган бўлиб, жиноят содир этувчининг жабрланувчи билан келишувга эришиши асосий омил сифатида қаралади. Бироқ, зарар қопланишининг тўлиқлиги ёки жароҳатлар оқибатини бартараф этиш бўйича фаол ҳаракатлар ярашувнинг иловавий шартлари сифатида қаралади.²¹ Литва Республикасининг Жиноят кодексига ҳам шунга ўхшаш

²⁰ Ответственность за совершение преступлений против половой неприкосновенности несовершеннолетних. 18.11.2017. https://online.zakon.kz/Document/?doc_id=39709259.

²¹ Латвия Жиноят кодекси. Kriminālprocesa likums. Attēlotā redakcija: 15.07.2023. <https://www.wipo.int/wipolex/ru/legislation/details/21960>



қоидалар мавжуд. Кодексга кўра, ярашув жабрланувчининг розилигига асосланади ва зарарнинг қопланиши шарт эмас, бироқ, суд томонидан зарарни қоплашга қаратилган ҳаракатлар айбдорнинг ҳаракатларини баҳолашда ижобий омил сифатида қабул қилинади.²² Бу жараёнда асосий мақсад жиноят содир этган шахсни ижтимоий ҳаётга қайта интеграция қилиш ҳисобланади. Эстония Республикаси Жиноят кодекси эса ярашув институтини қўллашда ижтимоий барқарорлик ва адолат тамойилларига асосланади. Кодексга кўра, жабрланувчи билан келишувга эришилган тақдирда зарарнинг тўлиқ қопланганлиги шарт қилиб белгиланмайди. Бунда асосий эътибор жиноят содир этувчининг ижтимоий масъулиятни англашга қаратилган ҳаракатларига қаратилади.²³

Романо-герман ҳуқуқий тизимига кирувчи давлатларда ҳам айбига иқрорлик тартиби асосида жиноий ишлар юритиш имконияти назарда тутилган, бироқ бу механизм нисбатан қатъий чекловларга эга. Масалан, Францияда прокурор айбига иқрорлик бўйича келишув тузиш жараёнида асосий ўринни эгаллайди: у иқрорлик бўйича таклифни мустақил равишда киритиши ёки ҳимоя томонидан келиб тушган шунга ўхшаш ташаббусни рад этиш ҳуқуқига эга. Шунингдек, бу тартиб бир қатор жиноятларга, жумладан, зўравонлик билан боғлиқ қилмишлар, оммавий ахборот воситалари фаолиятига доир жиноятлар, шунингдек, эҳтиётсизлик орқали одам ўлдириш ҳолатларига татбиқ этилмайди. Демак, бу ҳуқуқий тизим доирасида айбига иқрорлик тартиби чекланганроқ доирада ва қатъийроқ шартлар асосида қўлланилади.

АҚШнинг жиноят-ҳуқуқий тизимида айбланувчи ва жабрланувчи ўртасидаги можароларни ҳал этишга қаратилган келишув институти кенг қўлланилади.²⁴ У жиноят билан боғлиқ низоларни ўзаро манфаатли келишувга эришиш орқали бартараф этишга қаратилган. Келишувдан ташқари, жиноят ишлари бўйича низоларни ҳал этишда альтернатив усуллар, жумладан, адлия билан келишувлар, воситачилик, реституция ва тикловчи адолат тамойилларига асосланган бошқа ёндашувлар ҳам қўлланилади. Айниқса, воситачилик усули алоҳида эътиборга лойиқ бўлиб, унинг доирасида жиноят нафақат жамият тартибига қарши қонунбузарлик, балки шахслараро низо сифатида ҳам кўриб чиқилади. Бу ёндашув учинчи томон — воситачи иштирокини назарда тутаяди, у айбланувчи ва жабрланувчи ўртасида мулоқотни ўрнатишга ёрдам беради. Бундай ҳамкорликнинг асосий мақсади зарарни қоплаш мажбуриятлари ва жиноятнинг оқибатларини бартараф этиш каби асосий масалалар бўйича келишувга эришишдан иборат. Воситачиликнинг муҳим жиҳати шундаки, у ижтимоий адолатни тиклаш ва можаро оқибатларини

²² Atspausdinta iš e-seimas.lrs.lt. Закон Литовской Республики от 19 июля 1994 г. № I-551. О внесении изменений и дополнений в уголовный, исправительно-трудовой и уголовно-процессуальный кодексы Литовской Республики. <https://e-seimas.lrs.lt/portal/legalActPrint/lt?jfwid=-9dzqnu8gj&documentId=TAIS.62409&category=TAD>.

²³ Уголовный кодекс (сводная редакция от 10.01.2017), Эстония. <https://www.wipo.int/wipolex/ru/legislation/details/16677>.

²⁴ Соглашение с обвинением: как работает система в России и США (по версии адвоката). 28 октября, 2024. Источник: <https://18-let.ru/blog/soglasenie-s-obvineniem-kak-rabotaet-sistema-v-rossii-i-ssha-po-versii-advokata>. Аблямитова С. Ш., аспирант кафедры уголовно-процессуального права имени Н. В. Радутной Российского государственного университета правосудия. О примирительных процедурах в уголовно-процессуальном законодательстве зарубежных стран.



бартараф этишга қаратилган бўлиб, ҳар икки томоннинг қарор қабул қилиш жараёнида фаол иштирок этишини назарда тутади. Бу қайтарма жиноятчилик даражасини пасайтиришга ёрдам беради, чунки айбланувчи ўз масъулиятини жабрланувчи ва жамият олдида англайди, жабрланувчи эса ўз ҳуқуқлари ва адолат тикланишига эришади.

Францияда терговнинг исталган вақтида иш бўйича иш юритишни истисно қилувчи асослардан бири аниқланса, жиноят иши тугатилади. Франция Жиноят-процессуал кодексининг 6-моддасига кўра, жиноят иши қўзғатилиши мумкин эмас ва қўзғатилган иш тугатилиши керак: гумон қилинувчининг (айбланувчининг) ўлими муносабати билан, даъво муддати ўтганидан кейин, амнистия акти, жиноят қонуни бекор қилинганлиги натижасида ҳамда қонуний кучга кирган ҳукм ёки қарор ёки суднинг худди шу айблов бўйича ажрими ёхуд тергов судьясининг бекор қилинмаган ҳал қилув қарори ёки айблов ҳулосаси мавжуд бўлган тақдирда. худди шу айблов бўйича ишни тугатиш учун палата. Жиноят иши ҳам қонунда белгиланган ҳолларда жабрланувчи ва айбланувчи ярашгач тугатилади.²⁵ Франция Жиноят-процессуал кодексининг 41-1-моддасига кўра прокурор қарор қабул қилишдан олдин, томонларнинг розилиги билан жиноий таъқибга учраган шахс ва жабрланувчи ўртасида воситачилик жараёнини бошлаш ҳуқуқига эга. Ушбу модда ҳар қандай жиноят ишида қўлланилиши мумкин.

Европа мамлакатларида мазкур ҳолатнинг 2024-2025 йиллардаги тажрибасини таҳлил этсак, Германия мисолида - StPO (Жиноят-процессуал кодекс) асосида айрим енгил ва ўрта оғирликдаги жиноятлар бўйича *Prozessabsprachen* (ярашув келишувлари) амалда қўлланилмоқда. .

Шунингдек, 2024 йилда Берлинда қабул қилинган Restorative Justice Pilotprogramm дастури асосида суддан ташқари ярашув марказлари фаолияти кенгайди. Қонунда жабрланувчи ва айбланувчи ўртасида келишувга эришилса, суд томонидан жавобгарликдан озод қилиш мумкин.

Францияда эса, 2024 йил июлида қабул қилинган қонунга кўра, *médiation pénale* институти янада кенгайтирилди.

Жиноят ишлари бўйича прокурорлар 1 йилгача озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ жиноятларда ярашув асосида ишни тугатиш ҳуқуқига эга бўлди.

Польша мисолида 2025 йил бошида суд-тергов жараёнида ярашув механизмларини ривожлантириш бўйича янги ўзгартишлар киритилди.

Жиноят-процессуал кодексининг 335-моддаси ярашув асосида айбловдан воз кечиш имконини янада кенгайтирди.

АҚШ тажрибасида - Diversion programs (алтернатив жавобгарликдан озод қилиш) кенгаймоқда. 2024 йилда Нью-Йорк ва Калифорния штатларида *Community-based Restorative Justice Centers* ташкил этилди. Айниқса, ёшлар ва

²⁵ Амбасса Леон Шанталь Предварительное следствие в уголовном процессе России и Франции: Сравнительно-правовое исследование: дисс. канд. юрид. наук: спец. 12.00.09. Москва, 1999. 161 с.



биринчи марта қонунбузарлик содир этган шахслар учун responsibility agreement асосида жавобгарликдан озод қилиш амалиёти қўлланилмоқда.

Осиё давлатларидан Япония жиноят ишлари бўйича Prosecutorial Discretion институти кенг қўлланади. 2024 йилдан япон прокуратураси ярашув жараёнларини рақамлаштирди, онлайн-медиация тизими жорий этилди.

Жанубий Кореяда - Restorative Justice Act (2024 йил апрель) кучга кирди. Унга кўра, жабрланувчи ва айбланувчи ўртасида келишувга эришилса, суд ишни тугатиши мумкин.

Хитой Халқ Республикасида 2025 йилдан "Electronic Mediation System" орқали қатор жиноят ишлари электрон ярашув орқали ҳал қилинмоқда. Хитой прокуратураси «non-prosecution agreement» (айбловдан воз кечиш) асосида жавобгарликдан озод қилиш механизмларини фаол ишлатмоқда. Мазкур ҳолат учун халқаро ҳуқуқий асослар қуйидагилардир: БМТнинг 2023–2030 йиллар учун Жиноят-адолат стратегиясида ресторатив адолатни кенг жорий этиш асосий йўналиш сифатида белгиланди.

Европа Кенгашининг 2024 йил Резолюциясида жавобгарликдан озод қилиш ва ярашув жараёнларини рақамлаштириш бўйича тавсиялар берилган.

ОБСЕ 2025 йил конференциясида пост-совет давлатлари учун ярашув институтини кенгайтириш муҳим йўналиш сифатида белгиланди.

Демак, Европада процессуал ярашув ва прокурор ваколатларини кенгайтириш тенденциялари, АҚШ: диверсия дастурлари ва жамоавий адолат марказларининг кўпайиш тенденцияси, Осиё давлатларда рақамли медиация ва прокуратура дискрецияси. Ҳамда умумийлик: барча давлатларда гуманистик ёндашув ва ресторатив адолатга эътибор кучаймоқда.

Фарқлари эса, Европа мамлакатларида — суд ва прокурор ваколатлари асосий роль ўйнайди. АҚШда — маҳаллий жамоалар иштирокида диверсия дастурлари бўлса, Осиёда — рақамли медиация ва прокуратуранинг айбловдан воз кечиш ваколати мавжуд.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, томонларнинг ярашувининг ҳуқуқий тузилиши воситачиликнинг Европа версиясига - француз воситачилигига (унинг иштирокчилари ўртасида юзага келган низони ҳал қилиш йўлини излаш сифатида) ўхшайди, деб ҳисоблайди. Медиация институти муқобил бўлиши умумий қабул қилинган жиноий-ҳуқуқий низоларни ҳал қилиш усули, низолашаётган томонларни яраштиришда воситачиликка асосланган. Конфликтни ҳал қилишдан асосий мақсад айбдорни жазолаш эмас, балки томонлар ўртасида келишувга эришиш ва жамиятда тинчликни сақлаш натижасида етказилган зарарни бартараф этишдир.

Муқобил усулларнинг иккинчи модели хорижий давлатларнинг жиноят ҳуқуқида медиация номини олган булиб, у оддий ва комплекс вариантларда намоён бўлади. Медиациянинг моҳияти шундан иборатки, у агар айбланувчи етказилган зарарни тўлашга розилик билдирса бўлади. Россия юридик



адабиётларида таъкидланишича, медиация тизимининг муҳим жиҳати шундан иборатки, бундай ваколат берилган шахс томонларни яраштиришда пасив бўлмай, жиноят-ҳуқуқий можарони муросага келтириш билан ҳал қилиши учун фаол позицияни эгалламоғи лозим. Бельгияда медиация принципи йигирма йилгача озодликдан маҳрум этиш жазоси назарда тутилган барча жиноят ишлари бўйича қўлланилади. Айбланувчи куйидаги ҳаракатларни бажарганда жиноят иши тугатилиши мумкин: етказилган зарарнинг қопланиши, даволаниш курсидан ўтилиши, ижтимоий фойдали ишлар бажарилиши, касб-хунар таълими олиниши.²⁶

Ҳозирги пайтда медиация у ёки бу кўринишда Германия, Австрия, Португалия, Франция ва бошқа бир қанча давлатларда мавжуд. Шундан кўриниб турибдики, кўплаб хорижий мамлакатларда жиноий жавобгарликдан озод этишнинг кўплаб муқобил вариантлари изланмоқда. Бу тергов-суд тизими ишини енгиллатиш, жазони ижро этиш муассасаларининг махбуслар билан тўлиб кетишидан сақлашда муҳим восита бўлиб хизмат қилмоқда. Турли давлатларда ҳозирги вақтда айбланувчининг қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлиши, айбини бўйнига олиши, жабрланувчи билан айбланувчининг ярашуви, етказилган зарарни қоплаши ва бошқа ҳолатлар асосида жиноий жавобгарликдан озод қилиш институти амалга оширилмоқда.

Хулоса ва тавсиялар

Хориж тажрибаси шуни кўрсатадики, жиноят ҳуқуқий репрессияни камайтириш ва ижтимоий адолатни тиклаш ярашув институтининг асосий вазифасидир.

Ўзбекистонда ҳам ярашув институти (ЖПК 84-модда) амалда бор, аммо хориж амалиётидан келиб чиқиб, рақамли ярашув платформаларини жорий этиш ҳамда ёшлар ва биринчи марта қонунбузарлик содир этган шахслар учун диверсия дастурларини йўлга қўйиш, прокурор ваколатларини кенгайтириш ва халқаро стандартлар билан уйғунлаштириш зарур.

²⁶ Курс уголовного права. Том 2. Москва.: Зерцало- М. 2002. – С. 156. Criminal law course. Tome 2. – Moscow: Zertsalo, 2002. – p 156)